

№3
(1489)
2024-YIL
16-FEVRALO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

СОГЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА
УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланган асосий вазифалар.

Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча вакансиялар онлайн платформага жойлаштирилиб, кадрларни ишга олиш бўйича шаффоф тизим яратилади.

Янги ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳлари битирувчи курс талабалари учун кўп тармоқли шифохоналарда иш ҳақи тўланадиган интернатура йўлга қўйилади.

Хавф гуруҳига кирувчи аҳолини юрак қон-томир, онкология ва эндокрин касалликларни скринингидан ўтказиш тизими такомиллаштирилади.

Онкология бўйича ҳар бир эрта

аниқланган ҳолат учун тиббиёт бригадаларига мукофот бериш жорий қилинади.

Бу тажриба жорий йилнинг 1 майдан бошлаб Қашқадарё вилоятида бошланади ва келгуси йилдан бошқа ҳудудларда йўлга қўйилади.

23 та марказ, 12 та тиббиёт олийгоҳи, 2 та шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказларининг ҳар бирига замонавий менежерлар ишга олиниб, халқаро аккредитациядан ўтказилади.

“Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона” ва “Электрон

тиббий карта” тизимлари ишга туширилади.

Кафолатланган пакетга кирган дориларни электрон рецепт асосида бериш йўлга қўйилади.

Шунингдек:

Она ва гўдак ўлими юқори бўлган 20 та туман ва шаҳардаги тиббиёт ходимлари ўқитилади.

“Хавф гуруҳи”га кирган ҳомиладор ва туғруқ ёшидаги аёллар билан ишлаш протоколи янгиланади.

Тиббиёт бригадаларидаги 8,5 минг доя илгор тажриба асосида репродуктив саломатлик ва ҳомиладорлар парвариши бўйича ўқитилади.

Перинатал марказлар бошқаруви хорижий мутахассислар олиб келиниб, 229 та туғруқхона замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

МУНОСАБАТ

Жорий йилнинг февраль ойида Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бошқа тармоқ вакиллари қаторида тиббиёт соҳаси раҳбар-ҳодимлари ҳам иштирок этди.

ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
МАСАЛАЛАР
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Таъкидлаш муҳимки, мазкур видеоселектор Президентимиз томонидан танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилди. Айниқса, аҳолига берилаётган ва буюрилаётган дори дармонлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчи дориларни берилиши, шифохоналар ва оилавий поликлиникаларда аҳолига берилаётган бепул дориларни айнан аҳолига етказилиши билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратилди. Шундай ҳолатлар учраганки, бугунги кунда дорилар бирламчи тизимдан шифохонага, шифохонадан дорихоналарга берилган ва дорихоналар орқали айнан бюджет дорилари аҳолига сотилган. Айнан коррупцион ҳолатлар аниқланганлиги нафақат бу онкология, балки кардиология, эндокринология соҳаларида ҳам бу масалалар кўтарилди. Бундан ташқари, аҳоли орасида скрининг ишларини жадаллаштириш, нафақат бирламчи тизим, балки ихтисослаштирилган марказлар ўз йўналиши бўйича жавобгар бўлиб, аниқланган скрининг текширувларида бирламчи касалликларни таҳлил қилиб, назоратга олишади ҳамда соғломлаштириш режасини тузиши муҳим. Шунингдек, Президентимиз Сурхондарё вилояти Ангор тумани мисолида аҳоли орасида хатлов ишларини амалга ошириш, бунинг баробарида хатловда ҳар бир тиббий бригада маҳалладаги хонадонларга ташриф буюриши, оила аъзоларида учрайдиган касалликлар, антропометрия ўлчовларини ҳамда соғлом турмуш тарзига амал қилишлари бугуннинг долзарб масаласи эканлигини илгари сурди. Шу билан бирга, аҳолини нафақат бугун дори-дармонлар билан даволаш эмас, балки тўғри овқатланиш маданиятига, жисмоний фаолликка, соғлом турмуш тарзига жалб этиш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бирламчи тизимда ханузгача муаммо бўлиб келаётган рақамлаштириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Албатта, бунинг негизда электрон поликлиника, электрон йўлланма, электрон дорихоналарни жорий қилиш ва бирламчи тизимни Республика ҳамда шаҳар шифохоналари билан интеграциясини йўлга қўйиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, Президентимиз хорижий экспертларни жалб қилиб, эскирган клиник протокол ва стандартларни халқаро мезонларга мослаштирилишини соҳа мутахассислари олдига вазифа қилиб қўйдилар. Касаллиги енгил беморларни дори билан эмас, иммунитетни кўтарадиган табиий воситалар, жисмоний машқ ва фитотерапия билан даволашни кенгайтириш таклифини ҳам билдирдилар.

Яна бир муҳим масала бўйича Давлатимиз раҳбари ҳар бир она ва бола ўлимига “фавкулда ҳолат”, деб қараш кераклигини қайд этди. Туғруқхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ҳомиладор ва туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, доя ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш бўйича топшириқлар берди.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар, Олмазор туман
тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ, ТАЖРИБА
ВА ЖАСОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Ака оғир касалликка чалинган
синглисига буйрагини берди

Жорий йилнинг 9 февралда Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида илк бор мураккаб операция, яъни буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти юртимиз шифокорларининг бой тажрибаси ва шижоати билан муваффақиятли олиб борилди.



нида истикомат қилувчи Йўлдош Файзуллаев ўз вужудидаги бир буйрагини уч йилдан буён сурункали буйрак етишмовчилиги билан кийналиб келаётган синглиси Зулфия Абдуллаевага берди.

Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига кириб борар эканман, тўғриси айтсам ҳаяжондаман. Чунки, тез орада буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бошланади. Марказнинг иккинчи каватига кўтарилиб бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, тажрибали хирург Низом Абдуллаевнинг хоналарига ташриф буюрдик. Кайфиятлари аъло бўлган Низом Хайруллаевич бизни хуш кайфиятда кутиб олдилар. Сухбатимиз, аввало, Президентимизнинг бу борада қабул қилган қарорлари-

Давоми 4 ва 5 – бетларда▶



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5254-сонли қарорининг 3-бан-

ди ижроси бўйича Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида илк бор буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Бажарилган амалиётлар осон кечмади. Амалиётлар иккита операция хонасида олиб борилди. Тошкент вилояти, Окқўрғон туман-

АКЦИЗ СОЛИҒИ – САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, газланган ширин ичимликлар акциз солигига тортилади

2023 йил 28 декабрда Ўзбекистонда қабул қилинган қонунга мувофиқ, таркибида шакар бўлган газланган (sugar sweeteners - SSB) ва таркибида ширинлантурувчи (шакар ўрнини босувчи) моддалар бўлган газланган (non sugar sweeteners) ҳамда истеъмол қадозига қадокланган ичимликларнинг 1 литри 500 сўм миқдоридан акциз солигига тортилади.

Таъкидлаш муҳимки, бундай солиқ чорасининг қўлланилишига қуйидаги омиллар сабаб бўлди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 8 миллиондан ортиқ одам нотўғри овқатланиш билан боғлиқ сабаблар туфайли оламдан кўз юмади. Айнан ширин ичимликларни истеъмол қилиш калорияларнинг кўпайиши, ортикча вазн ва семизликни юзага келтириши мумкин. Бунинг оқибатида оғиз бўшлиғи касалликлари, қандли диабетнинг 2 тури, юрак-қон томир касалликлари (юрак-ишемик касаллиги, инфаркт, инсульт, кабилар) каби юқумли бўлмаган касалликларнинг ривожланиш хавфи ортади. Шакарли ичимликларни кўп истеъмол қиладиган болаларда уни кам истеъмол қиладиган болаларга нисбатан ортикча вазн ёки семириш эҳтимоли юқорироқ бўлиши кузатилган. 2014 ва 2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон аҳолиси орасида ортикча тана вазни ва семизликка эга бўлган 18-69 ёшдаги аҳоли улуши мос равишда 10 фоиз ва 12 фоизга, юқори қон босими 8,8 фоизга, оч қоринда глюкозанинг ўртacha кўрсаткичи 12 фоизга ошди. Шундай экан, мамлакатимизда ортикча тана вазни, семизлик ёки қандли диабетнинг 2 турини келтириб чиқарадиган янги касалланиш ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар туфайли етказилган иқтисодий зарар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 4,7 фоизига тенг келар экан. Бундай статистика соғлом овқатланишни рағбатлантиришнинг таъсирчан стратегияларини ишлаб чиқиш заруратини тўғдиради. Тўпланган маълумотлар шундан далолат берадики,

одамлар нималарни харид қилаётгани ва шунга кўра нималарни истеъмол қилишларига атроф-муҳитнинг таъсири катта, зеро одамларнинг овқатланиш маданияти айнан атроф-муҳит таъсирида шаклланади, одамлар озук маҳсулотларини шунга кўра танлайдилар. Демак, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ҳам (маълум даражада) одамлар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини ва қандай миқдорларда харид қилишларига таъсир кўрсатади. Шу боис, харидга зарар етказмайдиган ва соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун рағбатлантирадиган солиқ чоралари соғлом овқатланишни рағбатлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Ширин ичимликлар нархининг солиқлар ҳисобига оширилиши шунга олиб келиши мумкинки, фуқароларимиз соғлиқ учун фойдалироқ ичимликларни сотиб ола бошлайдилар. Бу албатта, семизлик ҳамда носоғлом овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликлар тарқалишини камайтиришга хизмат қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2017 йилда таркибида кўшилган қанд миқдори юқори бўлган ичимликлардан солиқлар ундирилишини қандли диабет ва юрак-қон томир касалликлари каби юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда семизликка қарши курашиш бўйича энг самарали чоралар қаторига киритиб, солиқ чораларини истеъмолчиларни соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини танлашга ундашнинг таъсирчан ва тежамкор усули сифатида тавсия этган. Айтиш муҳимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳолашига кўра, таркибида қанд бўлган ичимликлар чакана нархининг камида 20 фоизга ошишига олиб келадиган солиқ чоралари, шунга мутаносиб тарзда бундай маҳсулотлар ис-

теъмол қилинишининг камайишига ҳам олиб келади. Ҳозирги вақтда дунёнинг 108 та давлатида, шу жумладан, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Франция, Португалия, Эстония, Саудия Арабистони, Қатар ва АКШнинг бир қатор йирик шаҳарларида шакарли ичимликлар акциз солиғининг у ёки бу турига тортилади. Ўзбекистонда ҳам газланган ширин ичимликларнинг акциз солиғига тортилиши мамлакатимизда соғлом овқатланиш тамойилларининг жорий этилишига кўмаклашади. Шу ўринда айтиш лозимки, акциз солиғига нафақат газланган ширин ичимликларни, балки газланмаган ширин ичимликларни ҳам акциз солиғига тортиш лозим, чунки истеъмолчилар арзонроқ газланмаган ширин ичимликларни танламастиклари керак. Бундай ёндашув бошқа самарали чора-тадбирлар билан биргалликда (реклама ва сотувни рағбатлантириш, рангли маркировка каби) “Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади, хусусан аҳоли орасида ортикча вазн ва семизликни камайтиришга ҳамда 30-69 ёшдаги аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет, хавфли ўсмаларни қисқартиришга олиб келади. Ушбу мақсадларга эришилмаса, келажакда давлатимизнинг рақобатбардошлиги пасаяди.

ГАЗЛАНГАН «ПАРХЕЗ» ИЧИМЛИКЛАР ҲАМ АКЦИЗ СОЛИҒИГА ТОРТИЛАДИ

Ишлаб чиқарувчилар «пархез» ичимликларни ёки ширинлантурувчи (шакар ўрнини босувчи) моддалар қўшилган ичимликларни шакар истеъмоли камайтиришнинг энг яхши имконияти, деб кўрсатадилар. Кўпинча, бундай ичимликларга ҳам “калорияли”, ҳам “кам калорияли” ўрнини босувчи турли моддалар қўшилади. Одатда, «Zero» ва «Light» ёзувли ичимликлар назоратга олиб бўлмайдиган ҳажмда истеъмол қилишга хизмат қилади. «Пархез» ичимликлар юқори калорияли овқатни истеъмол қилишга ундайди ва бу уларни ортикча вазн ҳамда

қандли диабетнинг 2 турининг ривожланиш хавфи омилига айлантиради. Тадқиқотлар шакар ўрнини босувчи моддалар организмнинг қонда шакар миқдорини тартибга солиш қобилиятини бузиш, метаболик ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини, натижада эса семизлик ва диабетни ривожланишига туртки бериши, инфаркт ҳамда инсульт, бош миянинг томирларида муаммолар хавфини ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, шакар ўрнини босувчи моддалар ичак микрофлорасига салбий таъсир кўрсатиб, ошқозон-ичак йўлида муаммоларни келтириб чиқаради, антибиотикларга тургун бўлган бактерияларнинг кўпайиши ва тарқалишини рағбатлантириши мумкин. Шунинг учун уларни чекланган миқдорда истеъмол қилиш лозим. Илгари, ширин ичимликларнинг зарари фақат шакар билан боғлиқ деб ҳисобланар эди. Ҳозирги кунда илмий тадқиқотлар нафақат шакарли ичимликлар, балки ширинлантурувчи ва шакар ўрнини босувчи моддалар қўшилган ичимликлар (non sugar sweeteners beverages) ҳам саломатликка салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Баъзан “пархез” ичимликлар деб аталувчи бундай ичимликлар, аслида юқумли бўлмаган касалликларни ривожланиш хавфини оширади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таркибида шакар бўлган ва шакар бўлмаган ширин ичимликларни истеъмол қилиш кунига 250 миллилитрга кўпайтирса, семизлик ривожланиш эҳтимоли мос равишда 12 фоиздан ва 21 фоизга, қандли диабетнинг 2 тури 19 фоиздан ва 15 фоизга, артериал гипертензия 10 фоиздан ва 8 фоизга ва ўлим ҳолати эса 4 фоиздан 6 фоизга ошганини кўрсатади. Ширин ичимликларни ишлаб чиқа-

ришда ацесульфам, аспартам, адвантам, цикламатлар, неотам, сахарин, сукралоза, стевия ва унинг ҳосилалари кенг қўлланилади. Уларнинг инсон организмга қай тарзда таъсир қилиши етарлича ўрганилмаган. Хусусан, саратонни ўрганиш халқаро агентлиги (Centre International de Recherche sur le Cancer) аспартамни инсонда саратон ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган моддалар гуруҳига киритган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ширинлантурувчи (шакар ўрнини босувчи) моддаларни, вазни назорат қилиш учун қўлламасликни ва қўшилаётган шакарни истеъмол қилишнинг бошқа йўллари қўллашни тавсия этади. Мисол учун, ширин ичимликлар ўрнига мевалар каби табиий ширин маҳсулотлар ҳамда минимал даражада ишлов берилган ширин бўлмаган маҳсулотлар ва ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилади, чунки ширин ичимликлар саломатлик учун хавф туғдириши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ширин ичимликларни кўпроқ истеъмол қилувчи болаларда ортикча вазн ва семизлик камроқ истеъмол қилувчи болаларга нисбатан кўпроқ кузатилган. Ширин ичимликларни узоқ муддат истеъмол қилиш қандли диабетнинг 2 тури, юрак-қон томир касалликларини ривожланиш, инсульт ва ўлим хавфини кескин оширган. Шунинг учун дунёнинг 73 та давлатида, шу жумладан, Буюк Британия, Ҳиндистон, Латвия, Португалия, Чили, Франция, АКШнинг баъзи округлари ва шаҳарларида ширинлантурувчи ичимликларга, яъни таркибида шакар бўлмаган, лекин таркибида ширинлантурувчи ёки шакар ўрнини босувчи моддалар бўлган ичимликларга акциз солиғи жорий этилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистонда газланган «пархез» ичимликларни акциз солигига тортиш аҳолини соғломлаштиришга хизмат қилади.

Шухрат ШУКУРОВ,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш
институтини бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 37-сонли оилавий поликлиникасига бириктирилган “Кўтарма” маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда оммавий спортни

ривожлантириш мақсадида бугун эрта тондан аҳоли ўртасида спорт машғулотини ва соғлом, рационал овқатланиш қоидалари тарғиботи йўналишида тадбир ташкил этилди.

Айтиш жоизки, маҳаллада ҳафтада 3 кун айни шундай тадбирлар ёшлар ва ёши кекса аҳоли ҳам жалб этилган ҳолда ўтказилиши йўлга қўйилди.

Бундай тадбирларнинг ом-

малаштирилиши эса аҳолининг соғлом бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши оилаларни соғлом турмуш тарзига амалга қилишга, кекса

алод вакилларининг ёшларга ибрат бўлишлари учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Худди шундай тадбирлар бошқа маҳаллаларда ҳам давом этмоқда.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ МАНФААТИ ҲИМОЯДА

*Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши томонидан ходимлар
манфаатларини ҳимоя қилиш борасида
муайян ишлар амалга оширилмоқда.*

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва тармоқ касаба уюшма кўмиталари томонидан тармоқни ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, меҳнат шартларини ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимлари учун ижтимоий кафолатларни белгилаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ўртасида 2021-2023 йиллар учун қабул қилинган Тармоқ жамоа келишувининг 4.11 банди бўйича соат 22.00 дан 06.00 гача бўлган тунги вақт учун икки баробар тўлови 56 та ташкилотда 15 856 та ходимга 2023 йил давомида **4 421 084 000** сўм, 4.12 банди 18.00 дан 22.00 гача кечки вақт учун 1,30 баробар тўлови 56 та ташкилотда 27698 та ходимга жами 3 987 868 764 сўм маблағ тўлаб берилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан жойларга чиқиб 28 та ташкилотда ўрганишлар ўтказилиб натижада 1 469 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, уларга **1 374 722 110** сўм ундириб берилди. 2023 йил давомида меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан жами 18 та даво ариза киритилган бўлиб, шундан 1 таси апелляция тартибида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Судига даво ариза киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди. Судлар натижасида **36 823 795** сўм ундирилди. Иш берувчиларга берилган ёзма кўрсатмалар асосида жами **765 025 782** сўм олиб берилди. Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, улар учун шарт-шароитлар яратиш, соғлиғига зарарли ўринларда ишловчи ходимларни махсус кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида 2023 йил давомида қуйдаги ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда тармоқ бўйича 51 та ташкилотда иш жойларида аттестация олиб борилди. Шундан 2023 йил давомида 31 та муассасада **1 282** та зарарли иш ўринлари аттестациядан ўтказилди. 2023 йил давомида 11 та ёзма мурожаат келиб тушиб, 9 та кўрсатма киритилиб, 8 тасининг ижроси таъминланди, 1 таси эса суд томонидан қаноатлантирилди. Натижада 47 нафар ходим манфаатига **122 793 000** сўм ундириб берилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат техник инспектори томонидан жойларга чиқиб ўрганишлар бўйича 28 та ташкилотда таҳлиллар ўтказилиб натижада 2295 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, уларга **1 250 916 100** сўм ундириб берилди. Ўрганишлар натижасида берилган кўрсатмалар асосида **58 367 100** сўмга махсус кийим ва пойабзаллар билан иш берувчилар томонидан таъминланишига ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ҚФ меҳнат муҳофаза қилиш бўйича мутахассисига ойлик маоши ногўғри тўланаётганлиги аниқланиб, натижада ойлик маошини қонун ҳужжатлари асосида 1,5 баробар оширилишига эришилди. Жамоа шартномаларида белгиланган меҳнат муҳофаза қилиш бўйича тадбирларга сарфланган маблағ **77 565 237 269** сўм бўлиб, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ ўртача **2 348 185** сўмни ташкил этди. Юқори касаба уюшма органларининг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» давлат дастури асосида ишлаб чиқилган Кенгашнинг Давлат дастурининг 13, 22, 28-бандларининг ижросини таъминлаш мақсадида **3864 нафар** ходимга йил давомида жами **1 483 976 000** сўм, шундан касаба уюшмалари томонидан **940 252 200** сўм, иш берувчилар томонидан эса **543 724 300** сўм маблағ сарфланди.

Тармоқ ходимларининг ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда Касаба уюшма бюджети ҳисобидан 2023 йил давомида 210 та йўлланма берилиб, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун **856 629 000** сўм сарфланган. Ижтимоий сўғурта бюджети ҳисобидан эса 269 та йўлланма берилиб, **1 075 381 000** сўм, шундан 24 та йўлланма бепул берилди ва **95 632 000** сўм маблағ ажратилди. Тармоқ ходимларининг болаларини соғломлаштириш мақсадида 2023 йилнинг ёзги мавсумида 414

та йўлланма ажратилиб, касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан **169 751 800** сўм, шунингдек, киш мавсумида Мўйноқ туманидаги Оқ кема болалар соғломлаштириш оромгоҳида 20 та боланинг кишки дам олиши ташкил этилди ва касаба уюшма бюджетидан **10 545 441** сўм сарфланди. Тармоқ ходимларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни бой меросларимиз ва миллийлигимиз билан таништириш мақсадида белгиланган режалар асосида **1 039 нафар** ходимнинг тарихий жойларга саёҳатлари ташкил этилиб, **4 874** нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг маданий дам олишлари учун театр, киноларга ташрифлари ташкил этилди. Нодавлат ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ва меҳнатини муҳофаза қилиш учун уларда ишловчи ходимларни касаба уюшмаларига жалб қилиш мақсадида **29 та ташкилотда** ишловчи **137 нафар** ходим касаба уюшмасига жалб қилинди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга кенг жалб қилиш орқали спортнинг оммавийлигига эришиш мақсадида йил давомида тиббиёт институти ва техникумлари, Республика даволаш профилактика муассасалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари ўртасида спортнинг ҳар хил турлари бўйича спорт мусобақалари, спортнинг мини футбол тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири кубогининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи, 11 ноябрь «Касаба уюшмалари кунини» байрами

муносабати билан спортнинг мини футбол тури бўйича «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши кубоги» спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар Кенгаш томонидан тегишли даражадаги дипломлар, медал, кубок ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Кейинги йилларда Республика Кенгаши томонидан соҳада самарали меҳнат қилиб хурмат қозонган, вафот этган ходимлар учун «Ёдномалар», соҳада узок йиллар меҳнат қилиб ҳозирда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари ва тармоқ касаба уюшмаси тизимида узок йиллар фаолият юритган ва ҳозирда ишламаётган касаба уюшмаси фаоллари учун Қадрномалар» тайёрланиб, ҳар йили «9 май –Хотира ва қадрлаш» кунини арафасида уларга Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан пул маблағлари ва қимматбаҳо совғалар рўйхатлари асосида топширилди.



Кунини кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши мажлислар залида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшма кўмиталари раислари иштирокида касаба уюшмаларида иш юритиш, жамоа шартномалари мазмуни ва аҳамияти, меҳнат қонунчилиги ва иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси, касаба уюшма бюджетидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Бошланғич касаба уюшма кўмита раислари иш жараёнида фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ўртасида қабул қилинган Тармоқ келишувига асосан 2023 йилда Янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси»га киритилган ўзгартиришлар бўйича қўшимчалар киритилиб, китобча шаклида «тармоқ келишуви» тайёрланиб, Кенгаш томонидан бепул тарқатилди.

Луиза БАЙБОСЫНОВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмасининг
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ, ТАЖРИБА,

◀ **Давоми. Боши 1 – бетда**

дан бошланди. Демак, қарорда, масъул шахсларга 2022 йил якунига кўра, барча ҳудудларда буйрак трансплантацияси амалиёти йўлга қўйилиши таъминлансин, дейилган. Мазкур қарорнинг 3-банди ижроси бўйича ушбу тиббиёт марказида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти тўғрисида бизга маълумот бериб, хонадаги мониторинг операция хоналарнинг операцияга тайёргарлиги ва донор ҳамда бемор учун тайёрлаб қўйилган хонани кўрсатиб, ушбу мураккаб операция учун шароитлар тўлиқ талабга жавоб беришини айтиб ўтдилар. Шунингдек, Тошкент вилоятида илк бор буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалида ўтказилганлигини таъкидлаб, тиббиёт марказида эса бу операция илк бор амалга оширилаётганлиги ҳам маълум қилдилар.

Шу ўринда айтишимиз лозимки, ушбу тиббиёт марказининг бош шифокори профессор Бахтиёр Қосимовни учратмасакда, улар тўғрисида илик фикрларни эшитдик. 2010 йилгача Тошкент вилоятининг

сўнг тиббиёт маркази томонидан **Давлат тиббий суғуртаси Жамғармасига** тақдимнома киритилиб, операция харажатлари тўлиқ қоплаб берилишини

нинг бир буйраги эҳтиёткорлик билан олинди. Мутахассисларимиз буйракни олиб, муҳим бўлган ҳолатларга эътибор қаратишди. Аканинг буйраги

Хўш, сизда савол туғилиши мумкин? Бундай мураккаб операцияни кимлар амалга оширди? Оддий тил билан айтганда, "дўхтирлар" деб қўя

ликни сақлаш вазирлиги Бош трансплантолог Пўлат Султонов, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлими мудири Дилшод Эргашев, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлими кон-томир хирург Димитрий Ким, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази трансплантология бўлими шифокори Азиз Исмаилов, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази анестезиолог Азамат Алимов, Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош нефролог Ботирали Эгамбердиев, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази операция хамширалари Ирина Ли, Лилия Раҳимова, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази клиник ординаторлари Азизбек Холикулов, Саид Салоҳиддиновлар, шунингдек, ҳамкорликда маҳаллий мутахассисларимиздан Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг Даволаш ишлари бўйича ўринбосари Низом Абдуллаев, ташкилий ишлар бўйича ўринбосар Фарҳод Урмонов, хирургия бўлими мудири Шерзод Очилов, хирург Азиз Мансуров, реанимация

АКА ДОНОР, СИНГИЛ БЕМОР

Бемор **Зулфия Абдуллаева**га акаси **Йўлдош Файзуллаев** бир буйрагини берди. Бемор **Зулфия Абдуллаева** 1973 йилда таваллуд топган. Бемор **Зулфия Абдуллаева** 2022 йилдан буён сурункали гломеруло нефрит, нефротик формаси, асорати: СБК терминал босқичи билан Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг нефрология бўлимида доимий текширувлардан ўтказилиб даволаниб келган. Беморда сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичи аниқланиб, ҳаётини кўрсатма бўйича гемодиализ сеанслари ўтказилган. Бемор режали гемоди-



ализ сеансларини Янгийўл туман тиббиёт бирлашмасида гемодиализ бўлимида давом эттирган. Чап қўл артерио-венос фистула ўрнатилган. Бемор **Зулфия Абдуллаева** Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида

қиска муддатли тайёргарликдан ўтди, шунингдек, акаси **Йўлдош Файзуллаев** ҳам барча текширувлардан ўтказилиб, операцияга тайёрланди.

Улар 2024 йилнинг 9 февраль куни Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида мураккаб операцияни бошларидан ўтказишди.

олингунча иккинчи бригада яъни тажрибали шифокору, ҳамшираларимиз ва кичик тиббиёт ходимлари иккинчи операция хонасида ҳаётдан умидвор бўлиб, нажот кутаётган **Зулфия Абдуллаевани** буйракни кўчириб ўтиш амалиётига тайёрлаб қўйдилар. Қутилган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Аканинг буйраги синглиси ётган операция хонасига келтирилди.

Биз ўйлаймизки, яъни халқ оғзаки ижоди билан айтганда буйрак олиб келинди, дарҳол танага жойлаштирилса керак деб.....

Йўқ, асло бундай эмас экан. Маълум фурсат, буйрак соҳа йўналишидаги мутахассислари томонидан бемор танасидан тўлиқ ва асоратсиз макон топиши ва мослашиши учун ўзига хос даражада тайёрланиб, сўнгра, қўйилар экан. **Бу жараён ҳам осон кечмади.** Ва яна ноёб қўлларга тан бермай илож қолмади. **Хуллас, нажоткор аканинг буйраги синглисининг танасидан жой олди.**

Шу ўринда айтишим лозимки, биринчи операция хонасида операция столига олинди. **Биринчи амалиёт донор** **Йўлдош Файзуллаевдан** бошланди. Секунд, дақиқа ва бир неча соатлардан кейин тажрибали мутахассисларимизнинг машаққатли меҳнатлари тўғрисида **Йўлдош Файзуллаев-**



қоламиз. Йўқ, асло, бу умумий тилда айтилиши мумкин.

Демак, ушбу мураккаб операцияда **хирург, трансплантолог, трансплантология бўйича қон томир хирург, анестезиолог, нефролог, операция хамширалар ва клиник ординаторлар** иштирок этди.

Деярли 8 соат тик оёқда туриб, бор илмий салоҳияти ва бой тажрибасини астойдил касбига бағишлаган икки жонни ҳаётини сақлаб қолиш учун фидойиларча меҳнат қилган азиз тиббиёт ходимларимиз хизматида қанчалар тан бериб эътироф этсакда арзийди.

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази хирургия бўйича илмий бўлим раҳбари **Фарҳод Хаджибаев**, Ўзбекистон Республикаси Соғ-

бўлими мудири **Жамол Сафоев**, операция хамшира **Гавҳар Мирзаева**, анестезиолог **Самира Аслонова** ва бир қанча кичик тиббиёт ходимларининг меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлди.

Операциялар ниҳоясига етди. Ака-сингиллар бир хонага жойлаштирилди. Операциядан кейин ижобий натижа донор ва бемордаги буйрак фаолияти ўз ишини бошлаб, пешоб чиқариш кузатилди.

Фарҳод ХАДЖИБАЕВ,
Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг хирургия бўйича илмий бўлим мудири:

– Авваломбор айтиб ўтмоқчиманки, буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти жуда мураккаб. Биринчи навбатда ушбу



бирорта тиббиёт муассасасида гемодиализ аппаратлари бўлмаган экан. Собик вазир **Адҳам Икрамовнинг** топшириғига асосан мазкур тиббиёт марказига 2009 йилда раҳбар этиб тайинланган **Бахтиёр Қосимов** топшириқ ижросини таъминлаган. 2010 йилда гемодиализ аппаратлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган. Айни пайтда вилоятнинг кўплаб тиббиёт муассасаларида гемодиализ аппаратлари мавжуд.

Низом **Хайруллаевич** билан суҳбатни давом эттирар эканмиз, улар ушбу мураккаб операцияга қадар Тошкент вилояти **Оққўрғон туман** ҳокимлиги томонидан 16 миллиондан ортиқ маблағ ажратилганлиги ҳамда операция ўтказилгандан

ҳам ўз фикрларида баён этиб ўтди.

Операция 7 соат давом этди...

Мазкур операциянинг бошланишидан то тугагунча жараёнларни дақиқа сайин кузатиб бордим. Операция хоналари мураккаб операция жараёнларини олиб бориш учун тиббиёт нуктаи назаридан талаб даражасида тайёрланганлиги кўриниб турибди. Операция бошланиши олди донор ва бемор алоҳида иккита операция хонасида операция столига олинди.

Биринчи амалиёт донор **Йўлдош Файзуллаевдан** бошланди. Секунд, дақиқа ва бир неча соатлардан кейин тажрибали мутахассисларимизнинг машаққатли меҳнатлари тўғрисида **Йўлдош Файзуллаев-**

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

АМАЛИЁТ ВА ЖАСОРАТ УЙҒУНЛИГИ

операцияни амалга ошириш учун тиббиёт муассасасида етарли даражада шароит бўлши зарур. Мазкур марказда ушбу операция жараёнларини амалга ошириш бўйича шароитлар тўғри йўлга қўйилган экан. Энди биз мутахассислар учун ўз иш жойимизда эмас, балки бошқа жойда бу каби операцияларни амалга ошириш бир оз бўлсада, ҳаяжонга солади. Чунки, нима кутиб турганини ҳеч ким билмайди. Мана бугунги операциямизда иккита команда иккита хонада операция жараёнларида иштирок этишди. Тошкент вилояти Окқўрғон тумани истиқомат қилаётган Йўлдош Файзуллаев синглиси Зулфия Абдуллаевага бир буйрагини берди. Албатта, донордан соғлом буйракни олиб, бемор танасига жойлаштиришнинг ўзи бўлмайди. Мен мутахассис сифатида айтмоқчиманки, бунда мураккаб операциялар кўпроқ тажриба ва ҳушёрлик талаб этади. Энг асосийси, кўчириб ўтказилган буйрак асорат бермаслиги учун ҳар биримиз буйракнинг донордан олиш ва бемор танасига жойлаштиришда синчковлик ва ҳушёрликка эътибор қаратишимиз лозим. Унинг нозик томонлари шундаки, қон айланиш системасидан ажратиб қўйилган буйракни томирлари ўша кесилган тўқмадаги қонаши мумкин бўлган томирларни қонаб турганини кўрамиз. Ичида қон бўлмаган вақтда бўшатилган вақтда қон айланиши тизимидан олинган буйракда қон айланиши бўлмагани учун биз қаердан қонаганини билмаймиз, лекин кўз билан кўрамиз. Бу ерда қонаётган жой бўлмайди. Чунки, қон айланиш системасидан ташқарида бўлади. Шунинг учун биз ҳушёрлик билан кўриб, қонашни олдини олиш учун ҳар битта қонаши мумкин бўлган жойларни боғлаб чиқамиз. Бемор танасига буйракни қўйишда ташқарига олинган буйрак бир ярим барабар кичкиналашади. Буйракни қўйишдан олдин уни кўядиган жойини билишимиз зарур. Чунки, у жойлаштирилган жойга мос келиши керак. Яъни қон тизимига улангандан кейин буйрак яна ўз ҳолига қайтади. Бир ярим барабар катталашади, ташқаридаги буйракка нисбатан. Катталашганидан кейин томирларни тортиши ва деформациясини олдиндан тасаввур қилиб мослаштиришимиз керак. Яъни, бу ерда қон томирлари букланиб ва тортилиб қолиши мумкин. Букланиб қолгандан кейин қон айланиш бузилади ва асорат бўлиши мумкин. Унинг олдини олиш учун атрофини тўлиқ ажратиб оламиз. Тўғри келадиган қон томирлари атрофини яхшилаб муҳим қисмини тозалаймиз ва

буйракни кўчиришга тайёрлаймиз. Буйракни қўйгандан сўнг вена ҳам артерия ҳам яхши жойлашди ва пешоб кела бошлади. Аслида, донор соғлом одам бўлиб келади. Лекин, беморда буйрак ишламаганда унинг организмда касалликка оид ҳар хил ҳолатлар бўлиши табиий. Бу ерда донорнинг маъсулияти жуда катта бўлади. Шунинг учун донорга кўпроқ эътибор берилади. Агар унда асорат бўлса, қон кетиши мумкин. Ушбу операцияда шундай ҳолат бўлдики, донор ангиография қилингандан қон томирлари кўринган лекин, буйракни тез олишга мажбур бўлдик, сабаби, ангиографияда кўринмаган томир кўриниб қолди. Биз бу каби жиддий ҳолатларга доимо тайёр туришимиз керак. Операциядан кейинги қон ивувчанлиги текширилади, қон босимига эътибор бериш керак. Бундан ташқари, наркоз таъсирида ичаклардаги ҳолатлар қорин дам бўлишига олиб келади. Лекин энг асосийси қон кетмаслиги керак. Албатта, унинг олдини олиш зарур. Бундай мураккаб операцияларнинг ўзига хослиги шундаки, ушбу мураккаб амалиётларда команда бўлиб, ҳамманинг ўзи бажара оладиган иши бўлади. Гувоҳи бўлдингиз бизда иккита операция алоҳида иккита хонада бир вақтни ўзида олиб борилди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлигига бўлган эътибор ва бу борада қабул қилган қарорлари асосида 2018 йилдан буён мамлакатимизда ушбу операциялар амалга ошириб келинмоқда. Тўғри, бу орада пандемия ҳам бўлди. Шу кунга қадар буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти 340 дан ошди беморларда олиб борилди. Бу албатта, республика миқёсида олиб борилган операциялар ҳисобланади.

Гулчехра ФАЙЗУЛЛАЕВА, Йўлдош Файзуллаевнинг турмуш ўртоғи:

– Турмуш ўртоғим ўқитувчи уч фарзандимиз бор. Қайнисинглим Зулфия уч йилдан буён сурункали буйрак касаллиги билан хасталаниб, охири пайтларда аҳволи жиддийлашиб қолди. Шифокорларга қайта-қайта мурожаат қилиб, даво муолажалар олсакда, фойда қилмади. Охири гемодиализ олишга мажбур бўлди. Қайнисинглимнинг қийналишига тоқат қила олмаган оила аъзоларимиз келишилган ҳолда буйрак бериш масаласини ўртага ташлашди. Тўрт нафар ака-ука бу ҳолатга тайёр эканликларини шифокорларга айтишди. Тиббий кўриклар бошланди. Аксарият қайнисинглимнинг уч нафар акаси ва укаларида гепатит касаллиги



билан хасталанганлиги маълум бўлди. Фақатгина турмуш ўртоғимнинг саломатлиги тўғри келди. Ҳаммамиз рози бўлдик. Мана бугун турмуш ўртоғим ўз жону-жигарига бир буйрагини берди. Бундай мураккаб операциянинг вилоят миқёсида ўтказилганлиги энг катта ютуқ, деб биламан. Инсонлар саломатлиги учун қайғуриб, кенг имконият яратаётган Юртбошимизга, қолаверса, халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилаётган, айниқса, бугун икки жонни ҳаётини сақлаб қолиши учун операцияда етти соат мобайнида тик туриб хизмат қилган тиббиёт ходимларига оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Зулфия АБДУЛЛАЕВА, бемор:

– Деярли уч йилдан буён сурункали буйрак етишимовчилиги касаллиги билан қийналиб жуда азоб чекдим. Бугун ана шу дардли азобларим, уйқусиз тунларим гемодиализ аппаратида ётганларим, қисматидан аччиқ-аччиқ йиғлаганларим мендан йириқлашиб кетди. Тўғриси айтганимда, ҳаётдан умидимни узган эдим. Президентимизга минг раҳматки, менинг дардларимга даво айлаб, буйрак кўчириб ўтказиш бўйича қарор қабул қилдилар. Буни шифокорлик бурчи, деб билган тиббиёт ходимларимиз бундай мураккаб операцияларни муваффақиятли ўтказа бошладилар. Айниқса, қарорда, туғишган оила аъзоларининг донорлик қилишига ҳам рухсат берилди. Бу оила аъзоларимиз учун армон бўлиб келадиган муаммога ечим топилди. Тўрт нафар ака ва укаларим менга бир буйракларини беришни қарор қилишди. Лекин буйрак кўчириб ўтказишнинг меъёрлари бўлгани учун фақатгина Йўлдош акамнинг таҳлил натижалари менинг организмимга тўғри келадиган бўлди. Ниҳоят, акажоним ва мен учун синовли кунлар бошланди. Тиббий тек-

ширувлар обдон олиб борилди. Ниҳоят, биз кутган кун ҳам етиб келди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг тажрибали мутахассислари томонидан буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилиб, жасоратга юз тутган акажонимнинг бир буйраклари танамдан макон топди. Операциядан сўнг, беморхонада ўзимга келиб, ёнимдаги қравотга қарасам, нажоткорим, операция столида мардларча ётиб, танасидаги муҳим бир аъзосидан воз кечиб, менга ҳаёт ва умр бағишлаган акажоним кулиб турардилар. Ўша пайтдаги ҳолатимни ханузгача айтиб беролмайман. Фақатгина кўзларимдан дувдув оқаётган ёшлар ва қалбим тубидаги мамнунлигим бу менинг акажонимга бўлган чексиз ҳурматим ҳамда 7 соат тик оёқда туриб икки жон саломатлигини сақлаб қолган тиббиёт ходимларига таъзим бажо келтирганим эди. Айниқса, операциядан кейин, тиббиёт ходимларимизнинг туну кун ёнимизда бўлиб, доимий назоратда бўлишлари ҳам уларнинг касбларига бўлган фидойиликларини кўрсата олди. Муваффақиятли ўтказилган операциянинг самараси 15 февраль кuni акам ва мен биргаликда оиламиз бағрига қайтдик. Менинг қайта ҳаётга қайтишимда инсонлар саломатлиги учун меъёрий ҳужжатни имзолаган Президентимизга, қолверса, менга ёрдам қўлини чўзган саховатпеша инсонлару, тиббиёт ходимларига ва акажонимга чексиз ташаккуримни билдираман.

Фикрларимизни мухтасар қилар эканмиз, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази раҳбарияти, аввало, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарияти ҳамда мураккаб операцияни муваффақиятли амалга оширган малакали шифокор, ҳамшира ва клиник ординаторларга ўзининг чексиз миннатдорлигини билдиради.

Йўлдош ФАЙЗУЛЛАЕВ, беморнинг акаси:

– Синглим Зулфия деярли уч йил давомида оғир дард билан курашди. Қанчадан қанча даво муолажалари ва гемодиализ сессияларини олди. Афсуски, бу даволар вақтинча бўлиб синглимиз кўз олдимизда сўлиб борарди. Хорижий давлатларга бораёлик, десак маблағимиз етмайди. Тўғриси айтсам, оила аъзоларимиз билан руҳий тушқунликка тушиб қолган эдик. Президентимиз бу дардни даволашга имкон яратиб берганликларини эшитиб, дарҳол шифокорларимиз билан маслаҳатлашиб ака-укалар келишган ҳолда жону жигаримизга бир буйрак беришни аҳд қилдик. Текширув таҳлилларга қараганда, менинг таҳлил натижаларим тўғри келди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Ниҳоят, иккалаимизни буйрак кўчириб ўтказиш амалиётига тайёрлашди. Қарангки, бундай мураккаб операция Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказиладиган бўлди. 9 февраль кuni пойтахтимиздан ташриф буюрган бир гуруҳ соҳа ходимлари ва маҳаллий мутахассисларимизнинг маҳорати ва тажрибаси билан мураккаб операция амалга оширилди. Синглим оғир дарддан фориг бўлди. Операциядан кейин сингилжонимнинг табассум ила қараб турганини кўриб, қувончим ичимга сиғмади. Сингилжоним, умринг узоқ бўлсин дея кўзимдаги қувонч ёшлари ила бағримга босдим. Синглим ва менинг саломатлигимиз учун бор билим ва тажрибаларини аямаган фидойи касб эгаларига чексиз ҳурматимни изҳор этган ҳолда, ноёб қўлларингиз дард кўрмасин, деб қоламан.

Ибодат СОАТОВА журналист.

МИННАТДОРЧИЛИК

МАКТУБЛАРДА ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

2020 йилнинг май ойида қизим ишдан қайтаётганда автомашина ҳайдовчисининг айби билан йўл-транспорт ҳодисасига учради. Автоҳалокат натижасида қизим ниҳоятда оғир тан жароҳати олди. Қизимни тез ёрдамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказига олиб келишди.

Шифокорлар кизимга бош миянинг ёпиқ жароҳати, бош миянинг оғир даражалилат ейтиши, бош асосий суягининг тепа қисмини бош мияга қадалиб кўп бўлакли ўткир киррали синиши, ўнг кўз орбитаси атрофидаги суягининг ва тепа чакка танглай суягининг синиши, бош мияга қон қуйилиши ташхисини қуйишди. Тиббиёт ходимлари кизимни зудлик билан текширувлардан ўтказгач, марказнинг нейрохирургия бўлимига ётқизишди. Қизимни ахволи ниҳоятда оғир ва кома ҳолатига тушиб қолган эди. Дилбандим бир неча ойлар давомида кома ҳолатида бўлди.

Кундан-кунга қизимнинг ахволи оғирлаша борарди. Кўзимизга дунё қоронғу кўриниб, дилбандимизнинг автоҳалокатдан олдинги қувноқликлари кўз олдимиздан кетмас эди. Рухиятимизни тушунган марказ раҳбарияти ва барча тажрибали тиббиёт ходимларининг куну тун қизимнинг саломатлиги учун кўрсатган сифатли тиббий хизматлари ўз натижасини бера бошлади. Марказда кўп йиллар давомида беморларга нажот бахш этиб келаётган малакали мута-

хассис профессор Қозим Маҳкамов, нейрохирург шифокор В.Тенлар бор билим ва илмий салоҳиятларини қўллаган ҳолда қўйилган ташхис бўйича қизимнинг бош мия қисмида оғир жароҳлик операциясини ўтказишди. Қизим уч йил давомида мазкур шифохонанинг нейрохирургия бўлимида даво муолажаларини олсада, маълум бир вақтда унинг саломатлигида жиддий ҳолатлар кузатилди. Қизимнинг ахволи жиддийлашган сари шифокорлар маслаҳатлашиб, бош мияда яна бир неча бор жароҳлик амалиётларини муваффақиятли амалга оширишди. Шундан сўнг, дилбандимнинг аста-секинлик билан соғлиги яхшилаана бошланди. Хурсандчилик билан айтмоқчиманки, меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган, ўз касбининг садоқатли тиббиёт ходимларининг астойдил, машаққатли ва масъулиятли хизматлари туфайли қизим ҳаётга қайтди.

Бугунги кунда узоқ даволаш ва реабилитациядан сўнг қизимнинг бош мия фаолияти 80-90 фоизга тикланди ва мустақил равишда қадам ташлаб юришни бошламоқда. Бу албатта, оиламиз учун энг

катта қувонч ва бахтидир. Дилбандимизга қайта ҳаёт бахш этган, марказда фаолият юритаётган ҳар бир тиббиёт ходимининг муомала маданияти, ўз касбига бўлган садоқати, билим ва тажрибаси, қолаверса, маҳорати ҳамда фидойиликларидан ниҳоятда мамнун бўлдим. Оиламиз номидан шифо масканининг профессори К.Маҳкамов, нейрохирургия бўлими бошлиғи Д.Исроилов, доцент М.Маҳкамов, нейрохирург-шифокорлар В.Тен ва Ш.Бойменовларга, шунингдек, реанимация шифокорларига ўзимизнинг чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Юртимизда ана шундай, ўз касбининг мохир усталари бўлган соҳа ходимларининг борлиги, бу халқимизнинг бахтидир. Ниятимиз мамлакатимизда инсон саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган шифокорлар сони кўпайсин.

Фурсатдан фойдаланиб, қизимга умид бағишлаб, саломатлигини тиклашда ўз меҳнатларини аямаган Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарияти ҳамда нейрохирургия бўлимининг тажрибали шифокору ҳамширалари ва кичик тиббиёт ходимларига яна бир бор миннатдорлигимизни изҳор этиб, уларга мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда масъулиятли ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Фарида ТЎРАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Кейинги пайтларда саломатлигимда жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. Худудимиздаги оилавий поликлиникага чиқиб мурожаат қилдим. Шифокорлар соғлигимни тиббий текширувлардан ўтказгач, шифохонада ётиб даволанишим муҳимлигини айтишди.



Аҳамиятлиси шундаки, охириги йилларда Президентимиз инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларни имзолаб келмоқдалар. Айниқса, аҳолининг кенг қатлами учун шифо масканларида имтиёзли даволанишга кенг имконият яратдилар. Шу жумладан, мен ҳам ана шундай имтиёздан фойдаланиб, йилида икки марта тиббиёт муассасаларида даволаниб чикаман. Аввало, Давлатимиз раҳбари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Пойтахтимиздаги шифохоналарда даволанишга борганимда у ердаги шарт-шароит ва беморлар учун яратилган имкониятлар ҳамда тиббиёт ходимларининг илиқ муносабатларини кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Айни кунларда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги 5-шаҳар клиник шифохонасининг иккинчи терапиясида даволанмоқдаман. Мазкур бўлимда тазалик ва тартиб-интизом шу билан бирга шифокор, ҳамшира ҳамда кичик тиббиёт ходимларининг беморларга бўлган муносабати даволанувчиларни мамнун этмоқда. Шунингдек, даволоччи врачларимиз ва бир-биридан

чакқон ҳамшираларнинг даво муолажалари ва меҳрибонликлари билан дардан фориғ бўлмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу шифо масканида соғлом муҳит барқарор. Албатта, бундай самарали фаолият юритиш ва ҳар бир бемордан миннатдорлик туйғуларини эшитиш, менимча тиббиёт муассасасининг бош шифокори Гулнора Кенжаева учун фахр бўлса керак? Халқимиз накли билан айтганда, “Юз ишчига бир бошчи” дейишади. Тажрибали ва ўз касбининг садоқатли инсони бўлган Гулнора Кенжаева кўп йиллардан буён ушбу шифо масканига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг қўлоштидаги шифокор ва ҳамширалар, қолаверса, барча ходимлар бор билим ва малакаларини ишга солиб беморларни даволашда астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар.

Шу ўринда тиббиёт муассасасининг раҳбариятига ҳамда иккинчи терапия, физиотерапия ва барча бўлимларда инсон саломатлигини асрашдек, эзгу ишларда меҳнат қилаётган ҳамма саломатлик посбонларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Уларга соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Вазира МУХАММЕДОВА,
Тошкент шаҳри.

ИМКОНИАТ

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ - ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ХИЗМАТИДА

Мен Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида врач-эндокринолог бўлиб ишлайман. 2023 йилнинг сентябрь ойида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ходимлари томонидан “Давлат тиббий суғуртасининг афзалликлари” бўйича амалий семинар ўтказилди. Ушбу

семинарда тиббиёт ходимлари ҳам юқори технологик операцияга муҳтож бўлса, ижтимоий имтиёзлари бўлмаса ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан махсус рухсатнома берилса, операция харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қоплаб берилиши тушунтирилди.

гилар ҳужжатларимни кўриб чиқиб, менга иккала сон суягига эндопротез ўрнатиш операциясини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказишга рухсатнома беришди. Мен ушбу рухсатнома билан Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига учрашдим. У ерда ҳам ишларим тезда ҳал бўлди. Бир неча кун ўтгач, мени операцияга чақиришди. Ўтган йилнинг 1 ноябрь куни икки томонлама эндопротез қўйиш операцияси муваффақиятли амалга оширилди. Операция харажатлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан тўлаб

берилди. Мен бунақа тез бўлишини билмагандим. Саломатлигим тикланиб, оилам бағрига қайтдим ва фаолиятимни бошлаб юбордим. Шу ўринда инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлиги учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат тиббий суғурта жамғармаси ходимларига миннатдорлигимни изҳор қиламан. Уларнинг эзгуликлар йўлида олиб бораётган ишларига ривожлар тилаб қоламиз.

Камолхон,
врач эндокринолог.

Шунда мен ўйланиб қолдим: “Наҳотки биз тиббиёт ходимларига шунақа имтиёз бўлса? Бунга нега биз билмаймиз” деган хаёл билан, ўзимда кечаётган касал-

ликни ўйлаб (мени узоқ йиллардан буён икки томонлама коксаартроз касаллиги қийнаб келар эди) таваққал қилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига бордим. Вазирликдагилар мени

яхши қабул қилишди ва тезликда тиббий ҳужжатларимни тақдим этишимни сўрашди. Ишониб-ишонмай ҳужжатларимни тақдим қилдим. Вазирликда-

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

ХИРУРГИ РДКБ ПРОВЕЛИ СЛОЖНЕЙШУЮ ОПЕРАЦИЮ ДЕВОЧКЕ С ТЯЖЕЛОЙ ПАТОЛОГИЕЙ АОРТЫ

Команда специалистов Российской детской клинической больницы – филиала Российского национального исследовательского медицинского университета им. Н.И.Пирогова Минздрава России более 10 часов боролась за жизнь маленькой пациентки. У девочки была редкая и тяжёлая патология аорты, суженной до нитевидного состояния на протяжении 5-6 сантиметров, а из-за недостаточного кровоснабжения страдали внутренние органы. Врачам пришлось на время удалить из организма девочки обе почки, чтобы установить сосудистый аортальный протез. Благодаря хирургическому мастерству и мультидисциплинарному взаимодействию операция прошла успешно.

ствало, была значительно уменьшена в размерах и почти не выполняла собственных функций».

План хирургического вмешательства и дальнейшего послеоперационного лечения составлялся с участием детских хирургов, кардиологов, врачей ультразвуковой и лучевой диагностики, трансплантологов, анестезиологов-реаниматологов, урологов, гематологов, иммунологов, нефрологов. Непосредственно в операционной работало больше 20 специалистов. В ходе оперативного вмешательства, специалисты провели протезирование аорты, вшив специальный синтетический протез выше устьев почечных артерий и соединив его с остаточной частью аорты у начала общих подвздошных артерий.

«Сосудистый протез необходимо было вшивать выше устьев почечных артерий, и остановка кровотока в аорте вызвала бы гибель почек. Поэтому было принято решение удалить их из организма и создать фармако-холодовую ишемию – промыть специальным раствором и поместить на лёд. На этом этапе нам помогли хирурги отделения по пересадке почки», — объяснил Максим



Николаевич. Затем хирурги приступили к поэтапному возвращению правой почки в организм ребёнка. Правую почечную артерию соединили непосредственно с протезом аорты, убедились в достаточном снабжении органа кровью. На финальном этапе хирурги-урологи восстановили целостность и проходимость мочеочечников.

М.Сухов добавил, что возвращать в организм левую почку было нецелесообразно – с самого рождения ребёнка она получала недостаточное количество крови, находилась в недоразвитом состоянии, и шансов на восстановление её функции не было. Сложнейшая операция длилась более

10 часов. В дальнейшем за состоянием девочки продолжала наблюдать большая мультидисциплинарная команда специалистов. Послеоперационный период прошёл без осложнений. Сейчас девочка находится на динамическом наблюдении врачей Российской детской больницы. Врачи отмечают нормальное функционирование правой почки – малышка не нуждается в почечной заместительной терапии. Кардиологи контролируют работу сердечно-сосудистой системы, корректируют гипотензивную терапию, чтобы в дальнейшем полностью от неё отказаться.

Медицинская газета,
2024 г.

Девочка из Иркутской области попала под наблюдение врачей сразу после рождения. Опасения вызывало высокое для ребёнка такого возраста артериальное давление – 140/80 мм рт. ст. В ходе обследований была выявлена причина повышения давления – практически полное прерывание аорты. Для определения тактики и оперативного лечения пятимесячную малышку направили в отделение детской и сердечно-сосудистой хирургии РДКБ. В ходе углублённого обследования были выявлены и сопутствующие проблемы – из-за нарушения кровоснабжения сильно страдали функции почек.

«При обследовании пациентки было выявлено, что на уровне почечных артерий аорта на протяжении 5-6 сантиметров сужалась до нитевидного состояния, — рассказал Максим Сухов, доктор медицинских наук, заместитель главного врача по хирургической работе РДКБ, руководитель Центра реконструктивно-пластической и сосудистой хирургии клиники. Кровоснабжение органов малого таза осуществлялось через обходные пути кровотока, что значительно увеличивало нагрузку на сердце. Были поражены обе почечные артерии, что негативно сказывалось на работе этих органов. Левая почка, кровоснабжение которой практически отсут-

ФВВ ОГОХЛАНТИРАДИ

ДОИМО ХУШЁР БЎЛАЙЛИК

Майлумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифаларни таъминлаш мақсадида, ёнгинларни олдини олиш учун ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан жейлларда турли тадбирлар олиб борилмақда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тушуниришни уларга риоя этиш ва ёнгинни олдини олишдан иборатдир. Шу ўринда айтиб ўтиши жоизки, ёнгин билан қуришни фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

«Ўз уйингни ўзинг асра» шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳамда корхона ташкилотлар жамоасига тааллуқлидир. Аҳолига ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш яъни очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, газ ва электр жиҳозларини доимо соҳа ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган электр ва газ жиҳозлардан фойдаланмаслик, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик ҳамда белгиланмаган жойда тамаки махсулотларини чекиш мумкин эмаслиги ҳақида эслатиб ўтамиз. Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллар мобайнида тўпланган мол-мулк, уй-жойларни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч қимга сир эмаски кунлар совуб кетиш натижасида ҳар бир инсонни хонадонда иситишга бўлган талаб ортиб боради. Кўплаб фуқаролар ўз уйини иситиш мақсадида билиб ёки билмасдан қўлбола электр ёки газ жиҳозлардан фойдаланиб, ўз ҳаёти ва соғлиғига қатта хавф туғдирмоқда. Агарда биз оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Азиз юртдошлар ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг ва ўзингиз ва яқинларингизни ҳаётига бефарқ бўлманг.

Сарвар ТУЛЯГАНОВ,
«Ўзбекистон МТРК Медиамаркази» ДМ
биносида ЁХТТЭБ инспектори, майор.

ГАЗДАН ЗАҲАРЛАНГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Тошкент шаҳри ҳудудидаги маҳалалар ва аҳоли турар жойларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинлар, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши, фуқароларни ис газдан заҳарланиши ҳамда бошқа фавқулодда вазиятларни олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни янада жадаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва ҳудудий «Газтаъминот» АЖ, «Электр тармоқлари» АЖ ва бошқа дахлдор идоралар вакиллари билан бир қатор профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Нохуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида пойтахтимиз аҳолисига ис газдан заҳарланганда қандай биринчи ёрдам кўрсатилиши кераклигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Ис газни хонадонларимизда фойдаланадиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис газни нафас йўллари ва нафас аъзоларига зарарли таъсир этади. Бундан ташқари марказий асаб тизимини шикастлайди.

Куйидаги ҳолатларда ис газни ва табиий газ орқали фавқулодда вазиятлар келиб чиқиши мумкин:

- табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги; хонадонлар иситиши тизимларига табиий газнинг уранишида меъёрий талабларга риоя этилмаганлиги;
- табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаслиги; иситиши учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг носоз ҳолати, уларнинг яхши тозаланмаганлиги ва бошқалар.

Табиий газ йиғилган вазиятларда, зудлик билан куйидагиларга амал этиш лозим: хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш; хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёнқ бўлса ўчирмаслик; газ жўмрақларини беркитиш; хонада бўлган инсонларни тоза ҳавога олиб чиқиш.

Газ оқими беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар беринг. «104» телефон рақамини теринг.

Табиий ва ис газлари билан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юз берса, заҳарланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш зарур. «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдам»га хабар беринг. Тиббий ходимлар этиб келгунга қадар кўрсатиладиган биринчи ёрдам куйидгича амалга оширилади.

- заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш;
- юзак нафас олишида ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас бериш;
- агар бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисмини қисиб турувчи кийимлардан бўшатиш;
- иссиқ кўк чой ичириш.

Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, болаларингизни назоратсиз қолдирманг.

Жамол МИРЗАЕВ,
«Қорасув» қароргоҳи давлат резиденцияси
ЁХТТЭБ қатта инспектори.

ЁНГИННИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР!

Ҳозирги кунда юртимизда қурилиш ишлари кундан-кунга ортиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Шунинчун олган ҳолда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томондан, шаҳримизда янги қурилатган кўп қаватли аҳоли турар жойлари, маъмурий ва бошқа турдаги биноларда фавқулодда вазиятларни ҳамда ёнгин хавфсизлиги таъминлаш мақсадида барча ишчи ходимлар билан йўриқнома ва суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Профилактика ишлари олиб борилишига қарамасдан қурилиш майдонларида қўнгилсиз ҳолатлар ёнгинлар ҳам содир бўлмоқда. Содир бўлатган ёнгинларнинг аксарият сабаблари қурилиш бош пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш майдонида ва «вагонлари»да оддий бўлган ёнгин хавфсизлиги қоидаларини риоя қилмаслиги ҳамда қурилишда ишлайётган қурувчилар томонидан электр ускуналарини ўрнатилишида, электр, газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойларда ҳамда қурилиш вагонларини истишида электр иситиш анжомларидан фойдаланиш даврида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Юкорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ёнгинлар келиб чиқиши такрорланмаслиги учун куйидаги қоидаларга амал қилишнинг сўраймиз, яъни: - қурилиш майдонида устки изоляция қоплами шикастланган вақтинчалик ўтказилган электр симларидан фойдаланмаслик; - электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 м радиусда ёнувчи буюмлардан тозаланиши, портоловчи модал ва ускуналардан 10 м узокликда бўлиши керак ҳамда ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланиши зарур.

- хоналарни иситиш ва қуришти учун қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик;
- хоналарда ҳар хил турдаги электр ускуналарни ёқув ҳолатда қолдирмаслик;
- носоз ҳолдаги устки изоляция қоплами шикастланган электр тармоқларидан фойдаланмаслик;

- қурилиш майдони бирламчи ёнгин ўчириш қалқонлари билан таъминланиши;

- қурилиш майдонида белгиланмаган жойларда тамаки чекишни таъқиқлаш ва чекиш учун махсус жой ажратилиши;

- қурилиш майдончасида очиқ алангадан фойдаланиш қатъиян ман этилади;

- қурилиш майдончасида вақтинчалик сақланувчи ёнувчи қурилиш материаллардан қурилатган ва вақтинчалик қурилган бинолардан 30 м масофада кам бўлмаслиги керак;

- қурилатган бинонинг томида қора сақич эритиш таъқиқланади. Азиз юртдошлар ёнгинни ўчиришдан кўра олдини олиш осонроқдир!

Бахромхўжа АБДУЛЛАЕВ,
«Қорасув» қароргоҳи давлат резиденцияси
ЁХТТЭБ кичик инспектори.

ДИЛ ИЗҲОРИ

БАХТИМИЗГА ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ

“Иссиқ жоннинг иситмаси бор” деганларидек, яқинда тўсатдан саломатлигимда ўзгариш бўлди. Тез ёрдамга мурожаат қилдик. Зудлик билан етиб келган тез ёрдамдаги тиббиёт ходимлари соғлигимни текширувдан ўтказгач, шифохонада ётиб даво муолажалари олишимни тавсия қилишди.



каларини бойлиги дарддан тезда фориг бўлишимда муҳим ўринга эга бўлди. Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиманки, беморхонага жойлашганимнинг биринчи кунда шифокор ва ҳамшираларга қандай дори-дармонлар керак, айтинглар қизим олиб келиб беради, деганимда улар йўқ ҳамма дори-дармонлар ўзимизда бор дейишди. Бунинг баробарида ҳар куни даволоччи шифокоримнинг кириб хол-аҳвол сўрашла-



2023 йилнинг 23 декабридаги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларининг тавсиясига асосан 16 нафар олим Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб тасдиқланди. Улар орасида Республика вирусология илмий-тадқиқот институти директори Мусабоев Эркин Исаковичнинг борлиги бу мамлакатимиз тиббиёт аҳлининг фахри бўлди ҳамда юртимиз тиббиёт тизимида қувончли воқеага айланди.

Улар мени тезда Республика вирусология илмий тадқиқот институтининг клиникасига олиб боришди. Мазкур шифо масканига кириб борар эканман, у ерда фаолият

тозалик, тартиб-интизом ҳамда тиббиёт ходимларининг муомала-маданияти диққатимни ўзига тортди. Беморхоналарда ҳам беморлар учун шароитлар жуда яхши экан. Таъкидлашим жоизки, хонамга кириб, даво муолажалала-

ри ва илиқ муносабати кайфиятимни кўтарди. Айтишадик, қаерда соғлом муҳит барқарор бўлса, у ерда ишнинг самардорлиги ва сифати ҳам яхши бўлади. Ана шундай соғлом муҳит барқарорлигини ушбу шифохона-

дурашидова, муолажа ҳамшираси Махмуда Алимжоннова, ҳамширалар З. Сатторова, М. Раҳимова, Д. Норимова, М. Абдураимова, Х. Турсунходжаева, Н. Эгамова, К. Махмудова, хўжалик бекаси Л. Сагдуллаева, кичик тиббиёт



юритаётган тиббиёт ходимларининг хушмуомалалик билан кутиб олганликларидан жуда мамнун бўлдим. Айниқса, қабул бўлимидаги шифокору, ҳамширалар мени тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида танамда кечаётган хасталик тўғрисида синчковлик билан сўрашиб, касаллик ташхисини аниқлашгач, клиниканинг биринчи бўлимида ётиб даво муолажалари олишимни айтишди. Бўлимга кирганимда у ердаги

рини бошлаган шифокору ҳамшираларнинг билим ва тажрибаси, шунингдек, ширинсуханлиги ҳамда чакконликлари уларнинг ўз касбига бўлган садоқатини англашиб турарди. Қўли енгил шифокорларнинг астойдил меҳнатлари туфайли соғая бошладим. Кайфиятим кўтарилиб, иштахам очилди. Шунингдек, бир-биридан чаккон ва меҳрибон ҳамшираларнинг муолажаларни бекаму кўст бажаришлари ҳамда мала-

да гувоҳи бўлдим. Оилам бағрига соғлом бўлиб қайтар эканман, биринчи навбатда марказ директори, академик Эркин Мусабоев, бош шифокор Лазиз Тўйчиев, даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари М. Раҳмонов, бош ҳамшира С. Ғуломова, биринчи бўлим бошлиғи Насиба Мирзаганиева, даволоччи шифокорим Малика Низомходжаева, катта ҳамшира Азиза Аб-

ходимлари М. Ахмедова, С. Юсупова, М. Туляганова, С. Абдуллаева, овқат тарқатувчилар М. Жумаева ва Д. Мансуроваларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг

Бир сўз билан айтганда ўз касбининг фидойиси бўлган қаҳрамонимизга берилган юксак баҳо унинг йиллар давомида халқимиз саломатлигини асрашдек, машаққатли меҳнатлари замиридаги амалий маҳсулидир.

Фурсатдан фойдаланиб, академик Эркин Мусабоевни ушбу юксак эътироф билан қутлаб қоламан.

Малоҳат НАЗАРОВА
Тошкент шаҳри.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 690 дона.
Буюртма рақами Г-238.

Босмахонага топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.